

Хавфни жалб қилувчи даво | Тазкия дарслари (245-дарс)



ТАЗКИЯ
245-ДАРС

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимаҳуллоҳнинг «Тасаввуф ҳақида тасаввур», «Рухий тарбия» 1-2-3-жузи ва «Хислатли ҳикматлар шарҳи» 1-2-3-4-5-жузи китоблари асосида бериб борилади. Мавзуларнинг тўлиқ матни билан танишиш учун китобнинг ўзига мурожаат этиш тавсия этилади.

19:00 / 03.09.2023 1520

Аллоҳ таолодан хавф қилиш икки мақомга тақсимланади:

Биринчи мақом – У Зотнинг азобидан хавф қилиш.

Бу мақомдаги хавф барча халойиқ учун умумий бўлган хавфдир. Бу хавф аслида жаннат ва дўзахга, уларнинг тоатнинг мукофоти ва маъсиятнинг жазоси эканлигига бўлган иймондан ҳосил бўлади.

Мазкур мақомдаги хавф ғафлат ва иймоннинг заифлиги туфайли кучсизланади. Аксинча, хавф қилувчиларнинг ҳолини кўрганда, уларнинг мажлисида ўтирганда ёки хабарларини эшитганда кучланади.

Иккинчи мақом – Аллоҳ таолонинг Ўзидан хавф қилиш.

Бу мақомдаги хавф қалб арбоблари бўлган олимлар ва орифларнинг хавфидир.

Улар Аллоҳ таолонинг сифатларини ва мазкур сифатлар тақозо қиладиган ҳайбат ва хавфни англаб етган зотлардир.

Зотан, Аллоҳ таоло Фотир сурасида:

الْعُلَمَاءُ عِبَادِهِ مِنَ اللَّهِ يَخْشَىٰ إِنَّمَا

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар», деб марҳамат қилган (28-оят).

Улар Аллоҳ таолонинг

الْمَصِيرُ اللَّهُ وَإِلَىٰ نَفْسِهِ اللَّهُ وَيَحْذَرُكُمْ ٢٨

«Аллоҳ сизларни Ўзидан огоҳлантирур. Ва сўнгги қайтиш фақат Аллоҳгадир» (Оли Имрон сураси, 28-оят) деган қавлининг сирини яхши биладилар.

Улар Аллоҳ таолонинг

وَأَنْتُمْ إِلَّا تَمُوتُنَّ وَلَا تُقَانِهِ حَقَّ اللَّهِ اتَّقُوا ءَامِنُوا الَّذِينَ يَتَأَيُّهَا

مُسْلِمُونَ ١٠٢

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга ҳақиқий тақво ила тақво қилинг ва мусулмон бўлган ҳолингиздагина ўлинг» (Оли Имрон сураси, 102-оят) деган қавлининг сирини ҳам яхши биладилар.

Машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу бу оятдаги ҳақиқий тақвони «Аллоҳга итоат этиб, исён этмаслик, Уни эслаш ва унутмаслик, У Зотга доимо шукр қилиб, куфр кетмаслик», деб таърифлаганлар.

Бу мақом олий мақом бўлиб, унда Аллоҳ таолонинг Ўзидан хавф қилинади. Яъни Ундан тўсилиб қолишдан қўрқилади ва Унга қурбат ҳосил қилишдан умидвор бўлинади.

Ушбу қўрқишдан мўминлар оммаси ҳам насибадор бўлиши мумкин. Ким маърифат чўққисини эгалласа, Аллоҳ таолонинг маърифатига эришса, Ундан ўз-ўзидан хавф қиладиган бўлади. Қандайдир муолажага ҳожати қолмайди.

Хавф қилувчиларнинг даражалари:

1. Авомлار даражаси.

Улар азобга дучор бўлишдан ва савобдан маҳрум бўлишдан хавф қиладилар.

2. Хослар даражаси.

Улар итоб ва У Зотнинг қурбатидан узоқлашишдан хавф қиладилар.

3. Хосларнинг хосининг даражаси.

Улар одобсизлик оқибатида жамоли висолидан тўсилиб қолишдан хавф қиладилар.

«Руҳий тарбия» китобининг 2-жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.